

ИСЛОМДА АЁЛЛАР ҚАДРИ ВА УЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Раззақов Яхёбек Хабибуллаевич

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институти “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси*

Аёлнинг Исломда тутган ўрни беқиёсдир. Зеро Ислом шариати аёлни инсоният жамиятида ўз ўрнига эга бўлган инсон эканини исботлади, унга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб берди. Шундай дейишимиз тўғри бўлади. Қуйида айтадиган сўзларимиз билан биз динларни бир-бирига қиёсламоқчи эмасмиз. Балки барча самовий динлар Аллоҳ таоло томонидан тушурилган ва уларда адолат тўлалигича ўз аксини топган. Бироқ, замонлар ўтиши билан инсон ўз қўли билан уларни ўзгартирган. Бундай уринишларни биз ислом шариатига нисбатан ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳар доим унга қанчадан қанча бидъат хурофотлар киритишга уринилади. Ислом динининг бошқа динлардан фарқи унинг асослари, масдарлари ўзгаришсиз қолган. Ҳар қандай янгиликни Оят ва ҳадисга солиштириш, тўғри-нотўғрилигини аниқлаш мумкин.

Рисолатдан олдин нафақат жоҳилият арабларида, балки бутун ер юзида аёл зоти хўрланаётган, топталаётган эди. Биринчи эшитилганида бу сўзлар қулоққа ғалати чалинади. Бироқ бу ҳақ сўзлардир. Бунга тарих гувоҳ. Жоҳилият даврида араблар аёлларни олиб сотиш мумкин бўлган мато деб қарар эди. Аёл кишидан шумланишар, унга фалокатларнинг манбаи сифатида қарашар, уни инсон сифатида тан олишмас эди. Жоҳилият араблари ҳатто ўзларининг сулбидан туғилган қизларидан ҳам нафратланишган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай хабар берган:

Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг «ёмон»лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир (Наҳл-58, 59).

Ислом шариати келгач, бутун инсониятда урчиган бундай адолатсизликни бирма-бир муолажа қила бошлади. Хусусан жоҳилият арабларининг аёл кишига нисбатан бўлган эътиқодларини рад этди ва аёлларнинг мартабасини кўтарди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аёллар эркакларнинг шақиқлари-тенг тушларидир”**,

дедилар. Аллоҳ таоло тириклайин кўмилган қизлар ҳақида бундай ояти каримани нозил қилди: **(Ҳар бир) тириклай кўмилган қиздан сўралганида. «Не гуноҳи учун ўлдирилган?» – деб.** (Таквир-8,9).

Тарихчиларнинг айтишларича баъзи замонларда аёлнинг, эркак киши каби, жони ва руҳи бор инсонми ёки йўқми, деган масалада ихтилофлар мавжуд бўлган. Аллоҳ таоло аёлни ҳам инсонийлик жиҳатидан эркаклар мартабасида эканини билдирди. **“Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз”** (Наҳл-97).

Инсоннинг қадри унга бирор нарсани ишониб топшириш, уни бирор муҳим вазифага масъул қилиш билан бўлади. Бу оддий ҳаётий ҳақиқат. Аҳли илмнинг ёки мансабдор шахсларнинг обрў ва мартабага эришишларининг замирида ҳам манашу ҳақиқат ётади. Аллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилишдек муҳим бурчни аёлларга ҳам эркаклар билан бир ҳилда буюриши аёлнинг мартабасини юксакларга кўтарадиган энг асосий далилдир. **“Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз(лар)ни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир (тавба-71).** Ушбу Ояти каримада мўминлар ва муминаларнинг бир-бирларини яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтара оладиган тенг тушли инсонлар экани таъкидланмоқда.

Баъзи тарихий манбаларга кўра аҳли китобларнинг баъзиларида аёлнинг ойлиги келадиган бўлса у нопок ҳисобланиб, унга бирор нарсани ушлаш мумкин бўлмаган. Баъзи ҳолларда эса уйдан чиқариб, ташқарига бирор чодир тикиб берилган. Покланганидан сўнггина уйга киритилган. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло томонидан яратилган хилқат туфайли содир бўладиган ҳолатларда банданинг айби йўқ экани, бундай нарсалар туфайли банд таҳқирланмаслиги лозимлигини билдириб, **“Мўмин одам нажасга айланмайди”**, дедилар. Ўзлари ҳам буни амалда кўрсатиш мақсадида Оиша розияллоҳу анҳо ойлиги келган пайтларида бир косада сув ичиб, қолдирганларида у зот Оиша онамизнинг оғизлари теккан жойга муборак лабларини қўйиб сувни ичдилар.

Будга сиғинувчиларнинг баъзиларида эса агар эр ўладиган бўлса уни ёқишган. Хотини эса ўзини тирикликгича эрининг оловига ташлаб,

ёниб кетиши лозим бўлган. Бундай ҳукмни инсонлигини англаган бирор кимса адолатли ҳукм деб айтмайди. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **“мусулмон кимсанинг қони уч нарчасиз ҳалол бўлмайди: саййиб зинокор, жонга жон, жамоатдан ажраб, динини тарк этган кимса”**, дедилар. Ўзини ўлдирган кимса ҳадқида эса: **“Аллоҳ: “Бандам жони борасида мен билан мусобақалашди, энди унга жаннатни ҳаром қилдим”, деди**”, деганлар.

Аҳли китобларнинг баъзиларида эса аёл кишига маъсиятларнинг ўчоғи, ёмонликларнинг асоси, эркаклар учун жаҳаннам эшикларидан бир эшик, деб қаралган ва никоҳланмаслик диннинг талабига айлантирилган. Айни пайтда ислом шариати жаннатнинг оналар оёғи остида эканини, отага бир марта яхшилик қилинганида онага уч марта яхшилик қилиниши лозимлигини, никоҳланишнинг эса суннат амал эканини таъкидлади.

Ислом шариати ҳукмлари бирма-бир нозил бўлиш асносида аёлнинг мартабасини кўтарди, шаънини улуғлади. Жумладан уларни инсон сифатида тан олиб, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам улар билан алоҳида байъат қилдилар. Улар ҳақида алоҳида оятлар нозил бўлди. Эркаклар қатори шариат ҳукмларига мукаллаф бўлдилар.

Ҳадиси шарифда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **“Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши бўлганларингиздир. Ичингизда ўз аҳли аёлига энг яхшингиз менман”**, дедилар. Бошқа бир ҳадиси шарифда: **“Ким икки қизни балоғатга етгунича боқса қиёмат кунни мен билан бирга мана бундай ҳолда келади”**, дедилар ва бармоқлари орасини жуфтладилар.

Ҳатто Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам бир кишининг онаси мушрик бўлса ҳам унга яхшилик қилишга буюрдилар. Асмо розияллоҳу анҳо айтади: онам менинг олдимга келди. Бироқ у ҳали ҳамон мушрикликча эди. Шунда фатво сўраб Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, у зотга: **“ҳузуримга онам келибди, у рағбат қиляпди. Унга яхшилик қилаверайми”**, дедим. У Зот: **“ҳа, онанга силаи раҳм қилгин”**, дедилар.

Юқорида зикр қилинган Оят ва ҳадислар, ақлий далиллар билан аёлнинг барча инсоний ҳуқуқлар борасида эркаклар билан тенг эканини билиш мумкин. Бироқ ота боболаримиз барча ҳолатларда, хусусан оилада аёл кишининг эркак кишига нисбатан бир поғона паст бўлиши лозимлигини таъкидлаганлар. Бу халқимизнинг кўп асрлик

тажрибаси, қолаверса ислом шариатининг мақсадларидан келиб чиққан десак хато бўлмайди.

Оилада эрнинг хотиндан юқорироқ мартабада туриши жуда кўп ўринда ўз аҳамиятини кўрсатади. Жумладан, инсониятнинг давомчиси бўлган фарзанд тарбиясида ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу ўлчовни тўғри тушуниш ва тўғри талқин қилиш лозим. Тан олиш керакки аёл зоти жисмонан эркак зотидан заифроқ қилиб яратилган. Бу заифлик оғир ҳаёт синовларининг барча тўқнашувларида пант бериши мумкин. Шундай бўлишига қарамай агар оила ва жамият масъулиятини аёл ва эркак ўртасида тенг тақсимланса адолатсизлик бўлар эди. Чунки машаққатни барча имкони боричагина кўтаришга масъул. Қудратидан ортиқча нарсага буюрилиш инсонни ночор ҳолга тушуриб қўяди. Лекин бу дегани аёллар ўз ихтиёрлари билан ҳам ушбу масъулиятларни бўйниларига олишлари жоиз бўлмайди, дегани эмас. Агар аёл киши ташаббус билан чиқиб, тижорат, зироат каби баъзи бир ишларга қўл урса бунинг шариатга зид жойи йўқ. Муаммо бор йўғи рўзғорни таъминлаш каби машаққатли ишларга аёллар эркаклар билан баб-баробар масъулми, деган масалада холос. Бошқача қилиб тушунтирадиган бўлсак, ислом шариатида аёллар ҳуқуқи чекланмайди, балки улар баъзи масъулиятлардан озод қилинади.

Инсоф нуқтаи назаридан қаралганида ҳам аёл киши инсониятни давом этишидага омиллар ичида асосий унсурдир. Унинг асосий вазифаси ўзидан кейин жисмоний ва руҳий салоҳиятга эга бўлган соғлом ва етук келажак давомчиларини туғиб қолдиришдир. Бундай масъулиятли вазифани адо этиши учун айрим ишлардан озод этилиши, баъзи имтиёзларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у ўз вазифасини тўла тўқис адо этолмаслиги мумкин. Бу вазифани адо этиши учун аёл латофатли, ғўзал, фаҳм фаросатли, мулойим, эс-хуши жойида, шунингдек соғлом ва бақувват бўлиши керак.

Масалага бошқа жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, эрдан бир поғона паст туриш, дегани эр учун қул бўлиш дегани эмас. Балки оилада топиш-тутиш эрнинг зиммасида бўлгач, уни тежаш ва режалаштириш ҳам эр томонидан белгилаб берилиши лозим. Акс ҳолда топиш билан сарфлаш ўртасида номутаносиблик келиб чиқади. Ҳудди шунингдек оиланинг ор-номуси ва қадр қимматини сақлаш ҳам эрнинг вазифаси. Шунинг учун оила шаъни борасида муҳим ҳисобланган қиз бериш, қиз олиш, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар билан алоқа ўрнатиш каби масалаларни ҳам эр белгилаб бериши мақсадга мувофиқдир. Бундай ишларда эр ва хотинни тенг овозга эга, дейиш

оилада беқарорликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳаётий ҳақиқат. Балки бу шарқона, бизнинг миллатимизга хос, фахрланса арзийдиган фазилатдир.

Шунингдек, аёлнинг оилада тутган ўрни фарзанд тарбиясида ҳам ўз таъсирига эга. Кексаларимизнинг ҳаётий тажрибаларига кўра аёлнинг ўрни устун бўлган оилаларда тарбияланган ўғил фарзандлар вояга етгунича одобли бўлишади. Бироқ вояга етиб, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун жамиятга аралашганидан сўнг назоратсиз қолади ва ҳар ҳил номақбул йўлларга кириб кетиш эҳтимоли кучаяди. Чунки фарзанд ўзи ҳайиқаётган аёлни, яъни ўз онасини аслида унчали қудратли эмаслигини англай бошлайди ва пишиб етилмаган ақлига суюниб иш кўришга ўтади. Отасининг насиҳатларига эса қулоқ солиб ўрганмаган бўлади. Аёл ўз эрини керагича ҳурмат қилганида эса фарзандларда келажакда ҳам тўлалигича назорат қилиш имконига эга бўлган отага нисбатан ҳурмат, бир вақтнинг ўзида отадан ҳайиқиш ҳисси шаклланади.

Аёлнинг оилада эрга итоат этиши унинг ўрни йўқ эканини ифодаламайди. Балки у ҳар доим ўз сўзига эга бўлишга, керакли шахс сифатида ўзини намоён этишга уриниши лозим. Аёл киши оилада ҳам, бутун жамиятда ҳам ўз ўрнини тўғри топиши учун унга берилган имкониятлардан тўла фойдаланиб, ҳар доим ўзи устида ишлаши лозим. Зеро Ислом шариатининг қоидаларига кўра ҳар бир аёл-қиз ҳудди эркаклар каби илм олишга, саломатлигини муситаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилишга, қўлидаги мол-мулкани кўпайтириш йўлида ҳаракат қилишга, шунингдек обрў ва мартабасини ҳимоя қилишга ва бошқа инсоний ҳуқуқларга эга. Бу имкониятлар эса уларни шахсий камолотга эришишлари учун етарлидир.